

Пўлат Мўмин шоир, драматург ва носир сифатида адабиёт ихлосмандларига, хусусан ёш авлодга таниш ва якиндири. Ўзининг кувнок шеърлари, завкли кўшшутари ва кизипкарли достонлари, эртак ва драматик асарлари билан болаларнинг севимли адибларидан бири бўлиб колган.

У 1922 йил 24 декабрда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Аввал педагогика билим юртида тахсил олади. Сўнг Низомий номидаги педагогика (1944) институтини тугатиб, ўқитувчилик килади. “Ленин учкуни” рўзномасида адабий ходнм, 1951–1952 йилларда Ўзбекистон Давлат нашриётида болалар адабиёти бўлиминжнг мудири бўлиб ишлайди. 1954—1960 йилларда Ёзувчилар уюшмасида, 1962—1964 йилларда Маданият Вазирлиги кошидаги Санъат бошкармасида нухарририлик килади.

1949 йилга келиб, унинг «Сайранг, кушлар» номли илк тўплами чоп этилади. Кетма-кет «Бўл, тайёр!», «Тиш чўткаси эртаги» (1955), «Хунардан унар» (1958), «Тўгри ўсган гул бўлар» (1960), «Акл каерда бўлар» (1962), «Олтин най» (1967), «Рахматга рахмат!» (1969), «Есон ва Омон» (1971), «Одоб ва офтоб» (1971) хамда «Яхшиларга ўхшасам», «Гул ва Пиёз», «Кулди хиёл», «Мен севаман, сен севасанми?», «Олтин бошоклар», «66 олтин кўл» каби ўнлаб тўпламларп нашр этилди. Уларнинг кўпчилигига ёшларнинг бегубор руҳий дунёлари, калб ҳарорати ва изтироблари ифодаланган.

Пўлат Мўмин драматург сифатида хам «Ковоквой билан Чаноквой» (1970), «Сукатой ва Конфетвой», «Баходирнинг жасорати» каби асарларини яратди. У мохир кўшикчи сифатида элга танилган. Шоирнинг «Индамади», «Онадур ул, онадур», «Ей, мухаббат». «Сенга бир гап айтаман» каби ўнлаб кўшиклари ўзининг содда ва равонлиги, мусикий ва ҳалкчиллиги билап эл оғзида куйланиб келинади.

У мохир таржимон сифатида А. С. Пушкин, В. Маяковский, С. Маршак, С. Михалков, А. Барто, Н. Носов асарларини она тилига агдарди. Кўпгина асарлари ўзга тилларга таржима килинди.

Пўлат Мўминнинг адабиёт олдидаги хизматлари ҳалк ва хукумат томонидан юкори баҳоланди. 1992 йилда унга Ўзбекистон ҳалк ёзувчиси фахрий унвони берилди.